



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЖАРАЁНЛАРИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ИШТИРОКИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Муҳаммадиева Моҳинур Яхшибаевна
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси докторанти
E-mail: mokhinur91@bk.ru
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7385223>

ARTICLE INFO

Received: 20th November 2022

Accepted: 28th November 2022

Online: 30th November 2022

KEY WORDS

Фуқаролик жамияти,
атоқли мутафаккирлар,
Афлотун, Конфутций,
маҳалла, сиёсий партиялар,
оммавий ҳаракатлар, касаба
юшмалар, жамоат
бирлашмалари ва жамоат
фондлари, нодавлат
нотижорат ташкилотлари,
фуқаролик
позициясини шакллантириш.

ABSTRACT

Мақолада фуқаролик жамияти, унинг мақсад ва вазифалари тўғрисидаги қарашлар қадимий даврлардан бошлаб асосан давлатнинг ажралмас қисми сифатида намоён бўлиб, унинг асосий мақсади ва вазифаларининг ривожланиши таҳлил қилинган.

Ҳамда мазкур даврда атоқли мутафаккирлар томонидан илгари сурилган ғоялар асосида, фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлардаги ўрни ва мазкур институт ҳукмрон синфга қарши тура олиши ва ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиши мумкинлигига урғу берилган.

Шунингдек мақолада фуқаролик жамияти томонидан коррупцияга қарши курашда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар келтирилиб унинг ечимига қаратилган илмий-назарий хулосала ва таклифлар илгари сурилган.

Таъкидлашимиз керакки, инсоният тарихида фуқаролик жамияти, унинг мақсад ва вазифалари тўғрисидаги қарашлар қадимий даврлардан бошланиб асосан давлатнинг ажралмас қисми сифатида намоён бўлган. Унинг мақсади ва асосий вазифалари сифатида барқарор ривожланишни таъминлаш ва адолатли жамият қуриш масалалари белгиланган.

Жумладан “фуқаролик жамияти”нинг фалсафий тушунчаси Арасту томонидан киритилган. Унинг фикрига кўра,

давлат бу фуқаролар жамоаси, яъни фуқаролик жамиятидир¹.

Афлотунга кўра давлат адолатли жамият қуришни ўз олдига мақсад қилиши, одамлар эса жамият манфаатлари йўлида ўзларига топширилган вазифаларни оқиллик, жасурлик, босиқлик, адолат ҳамда пухталиқ билан бажаришлари керак.

¹ Доватур А.И. “Политика” Аристотеля с.444, источник: Аристотель. Сочинения: В 4 т. Т.4.-М.: Мысль,1983.



Жамият ҳақида қайғуриш “доно ҳукмдор”нинг вазифаси сифатида белгиланган². Конфуций бу тизимни мустаҳкамлаш, қайта тиклаш, ислоҳ этиш, жамиятнинг янги, изчил тизимларини барпо этиш жараёнига беқиёс таъсир кўрсатишга асосланган ахлоқий меъёрлар қоидаларини тузишга интилган³.

Фуқаролик жамиятини давлат ҳокимиятининг мақоми нуқтаи назаридан талқин этган машҳур олимлардан бири Ш.Л. де Монтескье, ўзининг “Қонунлар руҳи” номли асарида давлатни фуқаролик жамиятида фуқароларнинг ўзаро адоватини бартараф этишга қаратилган жамоатчилик келишувининг натижаси сифатида кўриб чиқади.⁴

Кўриниб турибдики, мазкур даврда атоқли мутафаккирлар фуқаролик жамияти институтларини ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлардаги ўрнини таҳлил қилар экан, мазкур институт ҳукмрон синфга қарши тура олишлари ва ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мумкинлигига урғу беришган.

Академик А.Саидовнинг фикрича, “Фуқаролик жамиятида ижтимоий ҳаётга катта аҳамият берилади. Унинг асосий мақсади инсоннинг ҳаётини

² Edwards M. *Civil Society*. Cambridge, England: Polity Press, 2004. p.6.

³ Барашков Г.М. Влияние конфуцианства на особенности становления и развития аналоговой модели гражданского общества стран Азиатско-Тихоокеанского региона

⁴ Boesche R. *Fearing Monarchs and Merchants: Montesquieu's Two Theories of Despotism* // *The Western Political Quarterly*: journal. — 1990. — Vol. 43. — P. 741—761.

сақлаш, ҳаётий орзуларини, мақсадларини, шу жамиятдаги ташкилотлар, ижтимоий институтлар, гуруҳлар алоҳида шахсга унинг ҳокимияти манбаи эканлигини, лаёқати ва ҳаракати, обрўси юксак қадрият эканлигини тушунтиришга ёрдам беради. Инсонлар ушбу ташкилотлар ва бирлашмалар орқали ўз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа мақсадларини амалга оширади⁵.

Ўзбекистонлик олимлар А.Йўлдошев ва Б.Латипов таърифига кўра “Фуқаролик жамияти - эркин ва тенг ҳуқуқли шахсларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги умумий манфаатларини бевосита ва уюшган ҳолда ҳамда давлат органларидан мустақил равишда руёбга чиқариш жараёнида шаклланган муносабатлардир”.⁶

Мазкур олимлар асосли таъкидлаганларидек, “Фуқаролик жамиятининг мураккаблиги шундаки, у хўжалик, иқтисодий, оила-уруғчилик, этник, диний ва ҳуқуқий муносабатлар, ахлоқ, шунингдек шахслар ва ҳокимиятнинг бирламчи субъектлари бўлмиш партиялар, гуруҳлари ва ҳоказолар ўртасидаги давлат томонидан тартибга солинмайдиган сиёсий муносабатларни ўз ичига олади. Юқоридаги фикр мулоҳазалар таҳлили “Фуқаролик жамияти” бу ихтиёрий равишда сиёсий ёки моддий наф кўриш, мақсадни кўзламайдиган, умумий

⁵ Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т., 2001.- Б.236-238.

⁶ Йўлдошев А., Латипов Б. Фуқаролик жамияти институтлари. -Т.:Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси./Ўқув кўлланмаси.2019-165 б.



манфаатлар, мақсадлар ва қадриятлар атрофида бирлашган, рўйхатдан ўтган, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, ахлоқий ва бошқа соҳаларда қонун бузилишларини олдини олиш, давлат органлари ва тадбиркорлик институтлари фаолиятини назорат қилиш ва чеклаш, ва уларни фуқароларнинг шахсий ҳаётига ҳаддан ташқари аралашининг олдини олишга жалб этилган нодавлат ташкилотлар, маҳаллий жамоат гуруҳлари, жамоатчилик кенгашлари, оммавий ахборот воситалари, хайрия ташкилотлари, хотин-қизлар, диний ташкилотлари, касбий уюшмалар, давлат органлари ва ташкилотларида Одоб-ахлоқ комиссиялари, ўзаро ёрдам гуруҳлари, ижтимоий ҳаракатлар, тадбиркорлар уюшмалар бирлашмаси эканлигини кўрсатади.

Тадқиқотчилар анъанавий равишда фуқаролик жамияти субъектлари сифатида бир қатор жамоавий тузилмаларни киритишади. Булар: фуқаролар, ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамғармалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, мустақил оммавий ахборот воситалари⁷ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланган бўлиб, 56-моддасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба

уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари, давлат органларидаги одоб-ахлоқ комиссиялари, жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

Г. Агзамова фикрига кўра⁸ эса фуқаролик жамияти институтлари деб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролик жамиятининг нафақат асосини ташкил этадиган, балки мазмун-моҳиятини ҳам белгилаб берадиган фуқаролик институтлари сирасига кириши келтирилган.

Франциялик олим de C. Caroline фикрига кўра фуқаролик жамияти институтлари субъектлари тоифасига давлат органлари қошидаги жамоатчилик кенгашлар ҳамда ҳуқуқни ҳимояловчи ташкилотларни ҳам киритиш таклиф этилган.⁹

Бундан ташқари, Жаҳон иқтисодий форум ижрочи раиси Klaus Schwab фуқаролик жамияти институтлари тоифасига академик доиралар ҳамда илмий жамоатчиликни ҳам киритади.¹⁰

⁸ <https://adolat.uz/news/konstituciya-fuqarolik-zhamiyatining-huquqij-himoyasi>

⁹ Законодательный инструментарий по лоббистской деятельности http://tilmanhoppe.de/Lobbying_Toolkit-RU.pdf

¹⁰ The Future Role of Civil Society.- Вашингтон.: World Economic Forum. 2013 / https://www3.weforum.org/docs/WEF_FutureRoleCivilSociety_Report_2013.pdf

⁷ Die Postnationale Konstellation und die Zukunft der Demokratie, aus: Habermas, Jürgen. Die Postnationale Konstellation. Politische Essays. Frankfurt am Main: Suhrkamp Verlag, 1998. S. 91—163.



Ўзбекистонлик олима Холиқова Ш.А. фикрига кўра жамоат назорати субъектлари тойифасига фуқаролар, жамоат бирлашмалари, нодавлат ноижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини киритади.¹¹

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган “Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги намунавий низом¹² талабларидан келиб чиқиб фуқаролик жамияти институтлари субъектларига давлат органлари ва ташкилотларида Одоб-ахлоқ комиссияларини ҳам киритишни маъсадга мувофиқ бцлар эди.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда фуқаролик жамияти томонидан коррупцияга қарши курашда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга тўқинлик қилувчи омиллар ҳам йўқ эмас. Фикримизча уларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

Икки хил маънони англатувчи қонунлар – ушбу вазият ҳуқуқни қўлловчи мансабдор шахс томонидан қонунларни турлича қўллаш имконини яратади. Шунингдек, айрим мутахассислар жиноят, маъмурий қонунчиликдаги тафовутли санкцияларни ҳам

¹¹ Холиқова Ш.А. Давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини такомиллаштириш масалалари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати.- Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. 2021.- 526.

¹² Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.10.2022 й., 09/22/595/0921-сон

коррупцияга қулай шароит ҳолида яратиши мумкин. Яъни, санкциянинг аниқ миқдори йўқлиги судьяда уни ўз хоҳишига қараб қўллашга шароит яратиб беради.

Қолаверса, аҳолининг коррупцияга қарши ҳуқуқий саводхонлигининг пастлиги – аҳоли томонидан қонунларни билмаслик ёки тушунмаслик мансабдор шахсга ўзининг шахсий манфаати йўлида қонунлардан фойдаланишга қулай шароит яратади.

Шу ўринда С.В. Муравьеванинг фикрига қўшилган бўлар эдик, яъни, фуқаролик жамияти институтлари коррупцияга қарши курашиш фаолиятини асосан давлат бошқарувининг қўйи бўғинида самарали амалга оширилади.

Булар сирасига, маҳаллий давлат идоралари қарорларини қабул қилишда шаффофликни таъминлаш, маълум бир тоифадаги қарорларни қабул қилишда коррупциявий омилларни камайтириш, махсус маълумотларни тарқатувчи каналлар, ишонч телефонлар, Интернет-форумлар ташкил этиш ва бошқа кўринишларда фаолият юритиши билан белгиланади.¹³

Хулоса ўрнида юқорида келтирилган тадқиқод таҳлилларини инобатга олиб, фуқаролик жамияти институтларини коррупцияга қарши курашишда иштирок этишни янада кучайтириш мақсадида қўйидаги функцияларни қўшимча сифатида қўшишни таклиф этган бўлар эдик:

¹³ Муравьева С.В. Институты гражданского общества как субъект антикоррупционной политики. Автореф дис.ф.н.-М.: Московский государственный технический университет имени Н.Э. Баумана.2013.27с.



Ижтимоийлашув функцияси, сафарбарлик функцияси, тартибга солиш ва ҳимоя қилиш функцияси, жамоатчилик манфаатларини ифодалаш функцияси, хизмат кўрсатиш функцияси, бошқариш ва ҳимоя қилиш функциялари. Бу фуункциялар ўз

навбатида, фуқаролик жамиятида жамоат муносабатларининг мувозанатини барқарорлаштириш, жамиятни бирлаштиришни таъминлашини самарали йўлга қўяди.

References: